ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Зулфия Худайберган қизи Носирова
ТАТУ Менежмент ва Маркетинг кафедраси ассистенти
nosirovazulfiya93@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда электрон тижоротни аҳамияти, Ўзбекистон электрон тижоротни ривожланишида ривожланган давлатлар тажрибаси фойдаланиш муҳимлиги ҳамда электрон тижоротни ривожлантиришдаги муаммолар, уларнинг ечимлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлари: Электрон тижорот, электрон тўдовлар, ахборот коммуникация технологиялари, интернет, ривожланган давлатлар, тажрибаси, муаммолар.

CHALLENGES AND SOLUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE IN UZBEKISTAN

Zulfiya Khudaybergan kizi Nosirova
Assistant of the Department of Management and Marketing TUIT
nosirovazulfiya93@gmail.com

ABSTRACT

In the state the importance of electronic commerce in Uzbekistan is clarified, the importance of the development of electronic strands in the development of electronic commerce in Uzbekistan, as well as the problems of the development of electronic commerce in Uzbekistan.

Keywords: E-commerce, e-commerce, information and communication technologies, the Internet, developed countries, experience, problems.

КИРИШ

Ҳозирги даврнинг муҳим масаласи, электрон тижоратнинг мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда янги иқтисодий муҳит шароитида содда, ишчан ва ҳаётий электрон тижорат стратегияси асосида, имкониятлардан самарали фойдаланиб энг юқори фойдалилик даражасига чиқиш ҳисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев такидлаганларидек: “Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг

асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз". Этижорат бизнес юритишнинг янги шакли эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Электрон тижоратнинг керакли ресурслароқимини самарали бошқаришда, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишда, жараёнларини олиб боришда вақтдан ётиш ҳисобланади. Ҳозирги қаттиқ рақобат шароитида ҳар бир бизнес фаолиятини олиб бораётган субъектлар электрон тижорат имкониятларидан фойдаланишга мажбур. Барча ташкилотлар электрон тижоарт ёрдамида бўлғуси исътемолчиларлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан web тизими орқали алоқа ўрнатиш, савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишда айирбошлаш, товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш, товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб-қувватлаш ва харид учун электрон тўловни амалга ошириш масаларини арзон ва қулай амалга ошириш мумкин. Шунинг учун электрон тижорат ҳфётимизнинг ажралмас қисмига айланиб боряпти.

Ривожланган давлатлар электрон тижоратнинг имкониятларини ва истиқболларини аниқ ҳис қилган ҳолатда бу соҳанинг ривожланишига етарлича инвестиция ажратяптилар. Ривожланган давлатларда электрон тижорат бу мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулотларида салмоқли ўрин эгаллайди. Ривожланган давлатлар бу соҳани янги иқтисодий тизим сифатида қарай бошлашди ва бу соҳада етакчи ўринни эгаллаш мақсадида электрон тижоратни ўргана бошлашди. Электрон тижоратни ривожлатиришга халақит берадиган тўсиқларни ечиш механизмларни ишлаб чиқишган. Европа Иттифоқи бу борада ўзининг "Электрон Европа"(e-europe)лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳа Европа Иттифоқини келажакда янги иқтисодий тизимдаги ҳолатини яхшилашга муҳим рўл ўйнайди. Ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширувчи асосий жараён деб билишади. Бу давлатлардаги кичик бизнес вакиллари электрон тижоратнинг аҳамиятини секинлик билан англашмоқда. Шуни инобатга олиб, ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари электрон тижорат ривожланишига туртки бўладиган асосий ахборот коммуникация технологиялари инфраструктурасини ривожлантиришга эътиборларини қаратмоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам электрон тижорат жадал суръатлар билан ривожланишига гувоҳ бўляпмиз. Охирги йилларда ҳукуматимизнинг бу соҳанинг муҳимлигини англаган ҳолда олиб бораётган ислоҳотлари Ўзбекистонда ҳам электрон тижоратнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Электрон тижорат мамлакатимиз ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, бу соҳа ривожланишига халақит берадиган тўсиқларни бартараф этиш зарур.

Шу билан бирга электрон тижорат мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бизнес вакилларининг имкониятларини мислсиз даражада оширишдаги роли катта. Вақт ўтган сайин мамлакатимиздаги бизнес субъектларининг электрон савдоларга қизиқиши кескин ошмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯ

Электрон тижорат ва унинг моҳияти кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганиб чиқилган бўлиб, улардан А.В Юрасов, Ж.С.Вестланд, Т.К.Кларк, Д.Козьелар электрон тижорат ва унинг моҳиятини, М.Рамзаев, П.Чужанов, В.Тарасовлар электрон тижоратнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги ўрни, В.В Сенкевин, Н.И. Геращенко ва бошқалар электрон тижоратни бошқаришда давлатнинг роли бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар.


Шунингдек, Ўзбекситонда электрон тижоратни ривожлантириш масалалари ва истиқболлари бўйича А.Н.Арипов, Х.А.Мухитдинов, М.М.Махмудов, Т.К.Иминов, Н.Юсупова, Б.Эргашев, С.Авганбаев, Р.И. Исаев, А.Р. Валиев ва бошқалар илмий тадқиқот ишларида кўриб чиқганлар.

НАТИЖАЛАР

Бозор муносабатларига ўтиш ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурининг асосий мазмунини ташкил этади. Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади. Электрон тижоратни ривожланиши бу фаолиятни қонуний бошқаришда бир қатор ечилмаган масалаларни вужудга келтиради.

Ўзбекистонда интернет тезлиги ва бу борада провайдерлик хизматларини ташкил этувчилар, уларнинг кўрсатаётган хизмат сифатлари борасида муаммолар борлиги ҳеч кимга сир эмас. «Потребители.Uz» сайти Ўзбекистонда қайси интернет провайдерлар хизмати истеъмолчиларнинг бирмунча бўлса-да эътирофига сазоворлигига қизиқиб кўрди ҳамда Ўзбекистондаги интернет-провайдерларининг ўзига хос рейтингини тузиб чиқилди.

Рейтингни тузишда 2019 йил январидан 2020 йил февралига қадар қайд этилган сўровларга фойдаланувчилар томонидан қолдирилган изоҳлар ва тавсиялардан фойдаланилган. (1-расм.)



1-расм Ўзбекистонда энг оммабоп бўлган интернет-провайдерлар

Унга кўра, ўтган бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида гуруҳда 112 марта «яхши провайдерни », деган мавзу муҳокамага ташланган. Бунда, бу каби мурожаатларга биринчи бўлиб, «бизда яхши провайдерлар» жавоб беришган бўлса, бошқалари ўз провайдерларининг сифатсиз хизмат кўрсатишидан нолишган. Албатта, маслаҳат берганлар ва ўзлари фойдаланаётган провайдерларни мақтаганлар ҳам бўлган. Сифатли хизматларини таклиф қилган провайдер вакилларининг ҳам қайдлари кўзга ташланган. Рейтинг тузувчилари истеъмолчилар қайси провайдерни кўпроқ олқишлагани ёки тавсия қилганини аниқлашган. Шундай қилиб, жами тавсиялар сони 972тани ташкил этган. Олинган маълумотлардан рейтинг жадвали тузиб чиқилди. Шундай қилиб, Потребитель.уз таснифига кўра, Turon Telecom, Sarkor, Uzonline энг яхши провайдерлар деб топилди. Қуйида ушбу рейтинг натижаси билан танишиш мумкин. 2018 йилда Ўзбекистондаги интернет провайдерлар фаолиятига доир ўз сўровини натижасида тузилган.

Ҳозирги кунда электрон савдонинг асосий маҳсулотлари озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва информацион маҳсулотлар ҳисобланади. Аслини олганда фирмаларнинг фаолиятини рақамли кўринишда

олиб бориши янгилик эмас. Қуйида 1-жадвалда электрон тижоратнинг анъанавий савдо турларидан фарқи

1- Жадвал. Электрон тижоратнинг анъанавий савдо турларидан фарқи

№	Электрон тижорат	Анъанавий тижорат
1.	Харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга	Харидор вақт ажратиб, транспорт воситасида айтилган манзилга бориб харид қилиш керак
2.	Савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти	Савдо сотиқ алохида фаолият бўлиб, ундан ташқари бошқа фаолият билан банд бўлиш имкони йўқ
3.	Кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиш имконияти	Мурожаат қилувчи харидорлар сони чекланган бўлиши
4.	Керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган корхоналарга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш имконияти	Керакли маҳсулот излашда бир қанча муаммолар мавжудлиги, масалан, вақт сарфлаш, техник ва транспорт воситаларидан унумли фойдаланмаслик
5.	Харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти	Харид қилиш харидорнинг соғлиги, моддий таъминланганлигига боғлиқ бўлади
6.	Ҳозирги кундаги мавжуд жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти	Бозорда таклиф этилаётган товар ассортименти билан чекланган бўлади
7.	Электрон тижоратда савдони ташкил қилиш корхоналарнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятини беради	Анъанавий савдода рақобат чекланган бўлади, бу ўз навбатида сифатни ошириш ва нархни барқарорлашувига тўсқинлик қилади

Қисқа вақт ичида ҳаётимизга, деярли ҳар бир оилага энг замонавий мобил телефонларнинг бир неча янги авлоди, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб келди. Бугун биз бу нарсаларга унчалик эътибор ҳам бермаймиз ва уларни одатдаги буюмлар сифатида қабул қиламиз. Энг

муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксариятини халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган

МУҲОКАМА

Ўзбекистон ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқда ҳамда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, электрон тижоратни ривожлантириш устувор йўналиш қилиб белгиланган. Электрон тижорат тушунчаси фақатгина биз биладиган электрон воситалар орқали савдо-сотиқ фаолиятини билдирмайди. Бу тушунчага яна товар ва хизматларга талабни яратиш, савдо амалга оширилгандан сўнг мижозларга қўшимча хизматлар кўрсатиш, ҳамкорлар орасида ўзаро ҳаракатларни енгиллаштиришлар ҳам киради. Электрон тижоратда давлат, хом-ашё етказиб берувчилар, сотувчилар, истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар иштирок этиши мумкин. Электрон тижорат корпоратив, интернет, ва тижорат тармоқлари ичида амалга оширилади. Интернет электрон тижоратнинг бутун дунёда тарқалиши учун қулай замин яратган бўлсада, электрон тижорат ривожланишининг ахборот технологиялари нуқтаи назаридан бу восита оптималлик ўрнини эгаллаб олмайди. Бироқ айнан интернет электрон тижорат ривожланишига катта туртки бўлди ва нафақат катта корпорациялар, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ва алоҳида шахсларга хам ушбу тижоратнинг бевосита иштирокчисига айланиш имконини берди.

Натижада мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари юқори даражада рақамлаштирилди, интернетга уланиш тезлиги мутассил равишда ўсиб борди ва улардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратилди. Зеро, хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, электрон тижоратнинг ривожланишига интернетдан фойдаланувчилар сони аҳолининг 20-25 фоизини ташкил этганда эришиш мумкин. “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарорининг қабул қилиниши банк мижозларига масофадан туриб хизмат кўрсатишни ривожлантиришни хам кўзда тутади. Маълумки, электрон тижоратнинг технологик асосини ахборот коммуникация технологиялари ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизни рақамлаштириш даражаси юз фоизни ташкил этиб, йил сайин тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг компьютер билан таъминланганлик даражаси, интернет тармоғида абонентлар сони, шаҳар ва қишлоқларимизнинг умумий интернет қамрови ошиб бормоқда, сўзсиз бу ижобий тенденция. Бироқ, таҳлилий маълумотлар интернет орқали электрон тижорат тизимидан фойдаланган ҳолда товарларни харид қилиш,

хизматлар кўрсатиш даражаси, яратилган технологик имкониятлар билан ундан тижорат ишларида фойдаланиш ўртасида кескин тафофут борлигидан дарак бермоқда.

Электрон тижоратнинг мақсади ахборот тизимада ахборотни тезкор айланишини, умумий фойдаланишдаги тармоқлар орқали транзакцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлгани боис, унинг истиқболи бизнес субъектлари томонидан харидорларга ишончли ва кафолатланган хизматларини кўрсата олишига бевосита боғлиқдир. Бундай ташқари, бошқа факторлар, яъни мамлакат иқтисодиёти юксаклиги, фуқароларнинг даромати ошиб бориши, қолаверса, киши вақтни қиймат билан боғлаб, ўз вақтини пул ва товар сингари баҳолай олишига ҳам боғлиқ ҳолдир.

Шундай экан, электрон тижорат бозорини ривожлантириш масаласи АКТ имкониятларидан самарали фойдаланиб давлат ва бизнес ҳамкорлиги, асосан, бизнес субъектлари фаоллиги боғлиқ ҳолдир. Жамоатчилик ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш (ТВ-Р, акциялар), соҳа учун ахборот технологиялари ва тижорат ишларидан боҳабар мутахассиларни (IT-тижоратчи) тайёрлаш, реклама, маркетинг ишлари сифатини ошириш, интернет-магазинлар, интернет-витраналар, товарларни харидорларга етказиб берувчи курьерлик хизматлари ташкил этиш, муҳим масалалардан бири бўлмиш, бизнес томонидан тижорат ишларида ахборот хавфсилигини таъминлаб ва шу орқали харидорларга ишончи ва кафолатланган хизматларни таклиф этилиши ва бошқа жиҳатлар соҳа ривожида позитив тўртки бўлиб хизмат қилади. Электрон тижорат ривожини белгиловчи, харидорлар ишончини мустаҳкамловчи факторлардан бири ахборот хавфсизлиги масаласи ҳисобланади. Айнан шу боисдан, мазкур қонунда ахборот ҳимояси ахборот хавфсизлиги масалаларига оид нормалар, яъни электрон ҳужжат ва электрон хабарларни мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, учинчи шахсларга юбормаслик, шахсга доир маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш, шу жумладан, ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгарлик каби нормалари ҳам қонунда мустаҳкамланди. Харидорлар ва сотувчи-тадбиркорлик субъектлари учун ҳам янгилик ва қулайлик келтирувчи қонундаги нормалардан бири бу жисмоний шахслар учун электрон ҳужжатларда электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича қатъий талаб бекор қилиниб, жисмоний шахсларга электрон рақамли имзонинг бир марталик идентификаторидан фойдаланишга рухсат этилганидир. Электрон тижорат иштирокчиси бўлмиш жисмоний шахсга акцептни электрон хабар тарзида амалга ошириш ҳуқуқини берувчи прогрессив норма киритилиши нафақат харидор-фуқароларга қулайлик бўлиб, иккинчи томондан, товар

сотилиши муносабати билан сотувчи-тадбиркорга ҳам улкан иқтисодий самара келтиради, товар ва пул айланмасига ижобий таъсир қилиб, қолаверса соҳа ривожига жиддий туртки бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ушбу мақолада инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ахборот ва интернет технологиялари иқтисодий юксалишнинг муҳим фактори сифатида ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий этилмоқда. Шу боис, электрон тижорат ривож топиб, глобал иқтисодий фаолликнинг асосига айланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурининг асосий мазмунини ташкил этади.

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, маҳсулотларниниг савдо жараёнларни қўллаб-қувватлашни, жараёндаги электрон тўловларни ҳар томонлама қулай амалга ошириш устувор аҳамият касб этади. Электрон тижоратдан тўғри фойдаланиш, унинг самарасини янада ошириш, электрон тижорат жараёнларин сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Электрон тижорат асосий фойда берадиган жиҳати у иқтисодий самарадорликни оширади. Иқтисодий самарадорликни оширишда электрон тижоратнинг қуйидаги жиҳатлари билан ёрдам беради:

- Электрон тижорат орқали вақтни анчага тежаш;
- Электрон тижорат иштирокчиларининг фаолиятини тезкор ва анча тежаш имкониятини беради;
- Глобал ахборот алмашишнинг кам харажатли усули ҳисобланади;
- Анча кам харажатли усуллардан ҳисобланади;
- Истеъмолчиларга кам харажат ва кам вақт ҳамда қулайлик билан хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Юқоридаги сабаблардан кўриш мумкинки, электрон тижорат харажатларни асосан камайтиради ва харажатларни пасайишига таъсир қилади. Бозор иқтисодиётида фирмалар иқтисодий самарадоликни оширишга ҳаракат қиладилар. Бу нарса электрон тижоратга эҳтиёжни янада ортди. Тўлов тизмларнинг ўзгариши ҳам электрон тижоратнинг ривожланишига анча таъсир қилди. Иқтисодда пул массасининг ошиши, пул ҳаракатининг тезлаши, пулнинг ҳаракат географиясининг кенгайиши электрон тўлов системаларига эҳтиёжни яратди. Ҳозирда АҚШ да мавжуд пулларнинг 90 % ига яқини электрон

кўринишга эга. Бундан кўриниб турибдики, электрон тўлов системаларга талаб электрон тижоратнинг ривожланишига сезиларли таъсир қилди.

Электрон тижорат анъанавий иқтисодий фаолиятга нисбатан бир қатор устунликлар эга. Бу фарқни бир қанча параметрларни таққослаш орқали сезиш мумкин. Анъанавий усулда иқтисодий фаолият олиб бориш он-лайнрежимда иқтисодий фаолият олиб боришдан кўра анча қимматлиги сезилади.

Электрон тижорат ёрдамида қуйидаги масалаларни ечиш мумкин:

- Мижозлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан веб тизими орқали алоқа ўрнатиш;
- Савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишда айирбошлаш;
- Товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш;
- Товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб -қувватлаш;
- Харид учун электрон тўловни амалга ошириш.

Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни янада такомиллаштириш, ҳар бир масалага алоҳида эътибор билан ёндашиш корхона фаолиятини янада ривожлантириш ва иқтисодий самарага эришиш учун муҳим замин яратади. Электрон тижорат керакли ресурсларокимини самарали бошқаришда, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишда, фаолиятларини олиб боришда вақтдан ютишда, мижозлар билан ишлашда информацион тўсиқларни бошқаришдаэнг асосий инструмент ҳисобланади. Ҳозирги қаттиқ рақобат шароитида ҳар бир бизнес фаолиятини олиб бораётган субъектлар электрон тижорат имкониятларидан фойдаланишга мажбур. Ҳозирда электрон тижоарт ёрдамида бўлғуси мижозлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан web тизими орқали алоқа ўрнатиш, савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишда айирбошлаш, товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш, товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб-қувватлаш ва харид учун электрон тўловни амалга ошириш масаларини арзон ва қулай амалга ошириш мумкин.

Электрон тижоратнинг мақсади ахборот тизимада ахборотни тезкор айланишини, умумий фойдаланишдаги тармоқлар орқали транзакцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлгани боис, унинг истиқболи бизнес субъектлари томонидан харидорларга ишончли ва кафолатланган хизматларини кўрсата олишига бевосита боғлиқдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқландик электрон тижоратнинг пайдо бўлиши ва унинг моҳиятиёритиш, электрон тижоратнинг ривожланишида бозорининг структураси ўрни ўрганиш, иқтисодиётда электрон

тижорат системасининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўрганиш, электрон тижорат ривожланишининг ҳолати таҳлили этиш каби вазифаларни хал этиш керак.

Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш, фойдаланувчиларни кўпроқ жалб этишда олиб бориладиган чора тадбирлар ва амалий тавсиялар электрон тижоратда ҳам қўлланилиши мумкин.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ сўзи", 2018 йил 15 майдаги маърузасидан
2. Egerev I.A. Ishbilarmonlik qiymati: menejment san'ati. - M.: Delo, 2013 yil.
3. Abulqosimov HP, Pahimova D. va boshqalar. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish. T .: G.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2007 y
4. O'zbekiston Respublikasi “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 6 январь 2012 й
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning "Xalq so'zi" ma'ruzasidan, 2018 yil 15 may
6. Sh.M.Mirziyoevning 2018 yil 28 dekabrdagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi
7. O’zbekiston: jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, innovatsion taraqqiyot va milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirish /O’zR FAIqtisodiyot instituti; A.F.Rasulevning tahriri ostida, - T.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011
8. https://psyera.ru/4580/principy-i-metody-upravleniya
9. http://infomanagement.ru/lekciya/Principi_upravleniya